"FARG'ONA SUV TA'MINOTI"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
FARG'ONA TUMAN
BO'LIMI
№ 13
2022 26 10
150400, B.Marg'ilonoy ko'chasi 26 a-uy

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга**

## Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Фарғона тумани Янги аср МФЙ худудида яшовчи ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

## И ч и м л и к с у в б ў й и ч а

Фарғона тумани Янги аср МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи 1351 $м^3$ хисобланиб, Янги аср МФЙ худудида 2 дона тик ичимлик сув қудуғи казилсин, лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан тармок тортилиб МФЙ худуди ичимлик суви билан таъминланиб, курилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув
объектлари лойиҳа-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

**"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Фарғона туман бош мухандиси:** **О.Зияпов**

FARG'ONA TUMAN BO'LIMI "SUV TA'MINOTI" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN

**"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Фарғона туман ИЧБ мухандиси:** **М.Мамиров**